

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 46 Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг янги таркибини тасдиқлаш тўғрисида

Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссияси фаолиятини такомиллаштириш, истеъдодли қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, маданий-маънавий кадриятларни юксалтиришдаги ибратли тажрибани қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ислохотларни янада кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг янги таркиби иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссияси (Э. Баситханова)га комиссия аъзолари томонидан иқтидорли қизларнинг имкониятларини намоён қилиш, уларнинг билим ва салоҳиятларини ҳаётга кенг татбиқ этиш борасидаги фаолиятини самарали ташкил этиш, ушбу йўналишда ҳудудий Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссияларига амалий ёрдам кўрсатиш тавсия этилсин.

3. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг янги таркибини тасдиқлаш тўғрисида» 2006 йил 1 февралдаги 12-сон қарори;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий гоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида» 2006 йил 25 августдаги ПҚ-451-сон қарори)» 2006 йил 7 ноябрдаги 230-сон қарорига илованинг 9-банди ўз қучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.И. Баситханова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 31 январь,  
23-сон

\* Илова берилмайди.